

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2025 йил декабрь ойининг 9 куни, жиноят ишлари бўйича Пскент туман суди очик суд мажлисида, ўз биносиди, судья М.Базаровнинг раислигида, суд мажлиси баённомасини юритувчи судья ёрдамчиси Ф.Бахадиров, Пскент туман прокурорининг ёрдамчиси К.Касимов ва Х.Бабаев, судланувчи Н.Д.Ф ва унинг ҳимоячиси [REDACTED], жабрланувчи М.Ж.Дларнинг иштирокида, Н.Д.Фга нисбатан 1-1113-2501/240-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

**Н.Д.Ф**, 26.04.1988 йилда Тошкент вилояти Пскент туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, икки нафар фарзандлари бор, Олмалиқ шаҳрида жойлашган ширкатда ишчи, муқаддам жиноят ишлари бўйича Пскент туман судининг 28.04.2025 йилдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг ўн фоизи давлат даромадига ундирилган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган, ўталмай қолган жазо муддати 1 йил 8 ой 21 кунни ташкил қилади, Тошкент вилояти, Пскент туманида яшайди, иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 14 ноябрь куни олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ҳамда ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### АНИҚЛАДИ:

Н.Д.Ф, 2025 йил 1 июнь куни, соат 13:30ларда Пскент тумани, Саидобод м.ф.й. да яшовчи 10.09.1990 йилда туғилган М.Ж.Д ўзи яшовчи уйига кондиционер ўрнатаётган вақтида кондиционернинг компрессор қисми яшаб келаётган уйи томонига қараганини важ қилиб, уйининг том қисмида жанжал чиқариб, келиб чиққан жанжалда М.Ж.Днинг танасини юз қисми ва бошқа жойига уриб тан-жароҳати етказган.

Судга оид тиббиёт экспертизанинг 10.06.2025 йилдаги 240-сонли хулосасида, М.Ж.Дда аниқланган жароҳатлар оғирлик даражаси бўйича соғлиқни қисқа муддатга бузилишига олиб келган енгил тан жароҳати сифатида баҳоланаши кўрсатилган.

Судланувчи Н.Д.Ф суд мажлисида, ўз айбига қисман иқроп бўлиб, ўша куни сана соати эсида йўқлигини, обетдан кейин молдан келиб, Жасурни уйида Жигули турган бўлганини, у чой ичиб ўтирганида деворни орқасида



2та тақиллаган овоз эшитилганини, у деворни орасидан қараганида уста ишлаётганини кўриб, улар билан салом-алик қилиб, улар кондиционер қўяётганини айтганини, у улардан унга зарари йўқми деб сўраганини, уларни орқасида Жасур турган бўлганини, у унга уни девори эканини айтиб, у уни олдига томга чиқиб у билан тортишиб қолиб, онаси билан хотини чиқиб келганини, у уни ерга ётқизганида бурни қонаб кетганини, у шунда айбдор бўлиб қолганини, жанжални биринчи Жасур бошлаганини, у унга муомала қилмаганини, у унга хохлаган жойига қўйишини, уни девори эканини айтганини, уни жахли чиқиб уни олдига чиқиб бориб, у билан ёқа ушлаб у ерда уруш бўлмаганини, у ерда усталар ҳам қараб турган бўлганини, у Жасурни мушт билан урмаганини, у билан фақат ёқалашиб кетиб, у Жасурни бўйнидан буғиб ерга ётқизганини, у Жасурга тан жароҳати етказмаганини, уларни укаси ва уста келиб ажратганини, М.Ж.Дда кўрсатилган жароҳатларни ҳаммаси тухмат эканини, у унга бу жароҳатларни етказмаганини, у воқеадан кейин Жасурни уйига чиқиб узр сўраганини, суддан ҳақиқат бўлишини сўрашини, олдинги иш бўйича ҳам унга тухмат қилганини, жанжал вақтида укаси келиб уларни ажратганини, усталар ҳам уларни ажратганини, улар бирга экспертизага боришганини, у ҳам экспертизага борганида эксперт унга ҳозир чиқиб кетган бола билан уришиб қолганини айтганида, эксперт унга ҳеч нима қилмаганини хавотир олмаслигини айтганини, у Жасурни бўйнидан буғиб ерга ётқизган вақтида Жасурни бурни қонаб кетганини, усталар ҳам уни урмаганини кўришганини, ҳолатни видео тасвири ҳам борлигини, у экспертизадан ўтиб келиб шифохонага ётмаганини, у шифохонага борганида уни текшириб у бир кун қолиб эртаси куни чиқиб кетганини, шифокор унга Жасур қўшниси билан уришиб қолганини сўраганини, шифокор унга Жасурга ҳеч нарса қилмаганини Жасурни чиқариб юборганини айтганини, жанжал уни ҳудудида содир бўлганини, деворни устида тортишув бўлганини, бўйнидан ушлаб ётқизганида уни деворини устига ўтганини, кейин онаси чиқиб келганини, уни бўйни шилинган жойи ва бармоғидаги тишлаган жойларини ҳам расмга олиб қўйган бўлганини, кечирим сўрашини, қилган ишидан пушаймондалигини, унинг оилавий шароитини инобатга олиб, енгиллик беришни сўради.

Жабрланувчи М.Ж.Д суд мажлисида, 2025 йил 1 июнь куни уйга кондиционер қўйишга уста чақирган бўлишганини, улар томни тагига қўймоқчи бўлишганини, у усталарга қаерга қўйишни айтиб турган вақтида судланувчи бақир-чақир қилиб чиқиб келиб, усталар у томонга деворга қўймаётганини айтганини, у ҳам у томонга қўймаётганини айтганини, у унга ундан сўраши кераклигини айтганини, кейин у уйига қўяётганини ундан сўраши керакми деб сўраганини, у унга уйни ва мошинани қайси пулинга олдинг деб айтиб, уни уриб қолганини, кейин уни уриб ётқизиб олиб, у уни оғзига қўлини тикаётганида жон аччиғида қўлини тишлаб олиб бўйнини буғганини, у уй кўтарганидан буён тўпалон жанжал бўлаётганини, ўтган сафар ҳам уни урганини, у билан уришмасликга ҳаракат қилишини, 1 июнь ни содир этилган ҳолат бўлган бўлса ИИБ ходимлари 3 ой материални

ушлаб ўтириб, унга нисбатан хизмат текшируви ўтказишга юбориб, кейин охири шикоят қилганидан кейин Н.Д.Фга нисбатан жиноят иши кўзгатилганини, ИИБ ХПБ ходимлари вақтида чора кўрмаганини, махаллада болалари ҳам ўйнамай қўйганини, болалари кўчада ўйнаса бу ерда ўйнамаслигини айтишини, у терговчига ҳам телефон қилиб, бу ҳақида айтиб муносиб ҳулқ атворда бўлишини айтишини сўраганини, у тепада ўртада ярим метрлик девори бор бўлганини, судланувчи уни олдига чиқиб келиб қолганини, у кондитционерни томни тагига қўяётган бўлганини, деворни тешиб шлангасини олиб кириб кетиши керак бўлганини, жанжални усталар ҳам кўрганини, уни юзига урган ҳолатини ҳам кўрганини, биттаси кўрганини биттаси томни ичида бўлганини, биринчи жағига уриб, оёғини ўртасига тепиб, уни бўйнидан буғиб ётқизганида уни оғзига бармоғини тикмоқчи бўлганини, у оғзини йиртворади деб бармоғини тишлаб олганини, уларни судланувчини укаси усталар келиб ажратишганини, усталар ёки судланувчини укаси уни урмаганини, унга Н.Д.Ф тан ҳароҳати етказганини, судланувчи деворни устида уни урганини, уни урган вақтда уста бор бўлганини, пастда судланувчини турмуш ўртоғи қараб турган бўлганини, уни уйига кондитционер ўрнатиш учун ўзини деворига ўрнатиши керак бўлганини, қўшнига алоқаси йўқлигини, деворини баландлиги 3 метр, эни 60-70 см бўлиши мумкинлигини, у деворни устида турган вақтида судланувчи деворга чиқиб келиб судланувчи уни урганида у деворни устига йиқилганини, ораликқа кириб қолса сиқилиб қолиши мумкинлигини, ҳамма ҳолат деворни устида содир бўлганини, у судланувчига тегишли бўлган ҳудудига оила аъзолари билан кириб келмаганини, уйдагилари ажратиш учун томни устига чиққанини, жанжал бўлганидан кейин судланувчини томони устида тортишув бўлганини, жанжал бўлаётганидан кейин ўғли видеога оламан деб расмга олган бўлганини, видеога олмаган бўлганини, ўғли видеога оламан деб расмга олаверганини, жанжалдан кейин шифохонада ётиб чиққанини, уни ўша захоти тез ёрдам келиб олиб кетганини, шифохонада бир кун ётиб иши зарур бўлгани учун чиқиб кетганини, шифокор чиқиб кетишга рухсат бермоқчи эмас бўлганини, у ўзи чиқиб кетганини, шифокор чиқариб юбормаганини, ундан кейин у шифохонага ётмаганини, уйда дори ичиб юрганини, у ҳолат содир бўлганидан кейин экспертизага Тўйтепага борганини, уни ходимлигини билиб Қибрай туманига юборишганини, у ерга бориб экспертизадан ўтказганини, у экспертизага ўзи борганини, ИИБ ХПБ инспектори бормаганини, у Тўйтепага ИИБ ХПБ инспекторини қарори билан борганини, ходим эканини билганидан кейин ИИБ ХПБ инспектори қарорни ўзгартириб бериб, у Қибрай туманига экспертизага борганини, у судланувчи олган тан жароҳатларини тан олмаслигини, чунки у зарурий мудофа сифатида оғзини йиртиб юборадиган даражада тортгани учун бармоғини тишлаганини, ИИБ ХПБ инспектори Н.Д.Ф олган тан жароҳати бўйича иш ҳужжатлари тақдири ҳақида билмаслигини, судланувчи Н.Д.Ф уни чап жағига ўнг қўли билан муштлаб уриб, уни қўли ёқасидан ушлаб, бир-икки маротаба оёқларини орқасига тепиб, уни ётқизиб олиб тирсаги билан босиб, уни оғзига қўлини



тиқиб тортганини, Н.Д.Ф уни устига тушиб йиқитиб олиб босиб турганини, у боши аралаш йиқилганини, у аризани ИИБ ХПБга топширганини, у ариза ва тушунтириш хатини асл нусхасини тақдим қилган бўлганини, уни судланувчига нисбатан даъвоси борлигини, унга нисбатан энг оғир жазо тайинлашни сўради.

Гувоҳ Д.С суд мажлисида, ўша куни жабрланувчи М.Ж.Дни уйида кондитционер қўяётган бўлганини, иккита қўшни келишолмасдан бақир-чақир бўлганини, улар қараганида улар тортишаётган бўлганини, кейин жабрланувчи М.Ж.Дни оналари ҳам чиқиб бақир-чақир бўлганини, у жабрланувчи М.Ж.Дга кондитционер қўяётган бўлганини, улар билан келишувда биринчи кондитционерни олди томонига қўйиши керак бўлганини, кейин унга томни устига ҳам қўйса бўлишини айтганини, қўшнига ҳам зарар бўлмаслигини айтганини, у ўрнатаётган кондитционер деворга ёпишиб туришини, орада жабрланувчи М.Ж.Дга тегишли девор бўлганини, у томни ичида бўлганини, у қараганида бир бирини кучоқлаган ҳолда турган бўлганини, удар девор томонда турган бўлганини, у айнан ким кимни урганини кўрмаганини, у жабрланувчи М.Ж.Дни онасини ва судланувчи Н.Д.Фни турмуш ўртоғини кўрганини, улар иш билан банд бўлишганини, жанжал бўлмасидан олдин жабрланувчида тан жароҳати бўлмаганини, жабрланувчи М.Ж.Д пастга тушганида юзида қон кўргандай бўлганини аниқ кўрмаганини, у кондитционер ўрнатаётган жойдан 1,5 метр ичкарида иш қилаётган бўлганини, у турган жойдан девор кўринмаслигини, у қараганида уларни кучоқлашиб турган бўлганини, улар деворни олди тарафида кучоқлашиб турган бўлганини баён қилди.

Вояга етмаган гувоҳ Ж.А қонуний вакили иштирокида суд мажлисида, улар М.Ж.Дни уйига кондитционер установка қилмоқчи бўлишганини, улар айтган жойга қўйса ҳамма жойни совутмаслигини айтганларидан кейин у деворни устига чиқиб трубкани Достон акасига бериб юбориши керак бўлганини, у деворга чиққанида жабрланувчи М.Ж.Д уни орқасидан чиқиб кузатиб турганида судланувчи Н.Д.Ф чиқиб нима қияпсизлар деб савол берганини, жабрланувчи М.Ж.Дга кондитционерни ҳам у томонга қилаётганини айтиб улар тортишиб кетишганини, жабрланувчи М.Ж.Дни онаси чиқиб ажратаётганида уларни жанжалини кўрганини, у деворда турган бўлганини, улар ёқалашиб ерга йиқилганидан кейин кўрганини, жабрланувчи М.Ж.Дни онаси чиқиб келганини, жанжал бўлишидан олдин жабрланувчи М.Ж.Дни юзида тан жароҳати бўлмаганини, жанжалдан кейин жабрланувчи М.Ж.Дни бурни қонаётган бўлганини баён қилди.

Судланувчи Н.Д.Фнинг айби, жиноят ишининг дастлабки тергов хужжатлари, яъни: (и.в.4-10) ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси ва фотожадвал; (и.в.31-34, 39-43) судга оид тиббиёт экспертизаси тайинлаш қарори, хулосаси ва таништириш баённомаси; (и.в.102-104) юзлаштириш баённомаси; (и.в.105-108) кўрсатувларни воқеа жойида текшириш баённомаси ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа объектив далиллар билан тўлиқ тасдиғини топган.

Суд, судланувчи Н.Д.Фнинг жиноий ҳаракатини юридик талқинини

муҳокама қилиб, унинг содир қилган жиноий ҳаракати дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 1-қисми “Қасддан баданга енгил шикаст етказиш, яъни соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига сабаб бўлган қасддан баданга енгил шикаст етказиш”да ифодаланган жиноят аломати билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасига кўра эса, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 8-моддасида “жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мувофиқ бўлиши керак”лиги белгилаб қўйилган.

Суд, судланувчи Н.Д.Фнинг содир этган жиноятини қасддан содир этилган ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят деб ҳисоблаб, унинг айбига қисман иқрорлиги, қилмишидан пушаймонлиги, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини айбини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб ҳисоблаб, уни муқаддам жиноят содир этиб, қасддан янги жиноят содир этганини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар деб эътироф этади.

Суд, судланувчи Н.Д.Фга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш, амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, унинг айбига қисман иқрорлигини, қилмишидан пушаймонлигини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини шахсини, ижтимоий аҳволи ва оилавий шароитини, оилада ягона боқувчи эканлигини, жабрланувчининг даъвоси борлиги ва қонуний чора кўриш ҳақидаги талабини ҳамда бошқа енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, унга у айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазосини тайинлашни, шунингдек судланувчи Н.Д.Фнинг муқаддам жиноят ишлари бўйича Пскент туман судининг 28.04.2025 йилдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 105-моддаси 1-қисми билан иш ҳақининг ўн фоизи давлат даромадига ундирилган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, жазони ўташ даврда янги жиноят содир этганлиги сабабли, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан янги ҳукм бўйича тайинланадиган жазо муддатига илгариги ҳукм юзасидан ўталмай қолган жазо муддатини қисман кўшиш йўли билан узил-кесил озодликни чеклаш жазосини тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Шунингдек суд, иш бўйича жабрланувчига келгусида келиб чиқиши мумкин бўлган моддий ва маънавий зарарларни судланувчи Н.Д.Фдан ундириш учун умумий асосларда фуқаролик ишлари бўйича судига даъво



ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 462-463, 465-468, 471-473-моддаларига риоя қилиб, суд

### Ҳ У К М Қ И Л Д И :

**Н.Д.Ф**, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин ва унга шу моддага кўра 10 (ўн) ой озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 60,61-моддаларига асосан **Н.Д.Ф**га нисбатан мазкур ҳукм билан тайинланган жазони, жиноят ишлари бўйича Пскент туман судининг 28.04.2025 йилдаги ҳукмига кўра тайинланган жазога қисман қўшиб, узил-кесил 1 (бир) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Судланувчи **Н.Д.Ф**га нисбатан тайинланган 1 (бир) йил озодликни чеклаш жазоси юзасидан унга ишлаш ёки ўқиш вақтидан, шунингдек иш ёки ўқиш жойигача бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари яшаш жойидан яъни, Тошкент вилояти, Пскент тумани, Саидобод м.ф.й. дан чиқиши чеклансин.

Судланувчи **Н.Д.Ф**нинг зиммасига:

- оммавий тадбирлар (байрам сайиллари, намоёишлар, митинглар)да иштирок этмаслик;

- маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз, яшаш жойини ўзгартирмаслик ҳамда Тошкент шаҳар ва Тошкент вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик каби қўшимча чеклашлар юклансин.

Жазони ижро этиш Тошкент вилояти, Пскент тумани ИИБ пробация бўлими томонидан амалга оширилсин.

Жазони ўташ муддати, ҳукм ижрога қаратилиб, ИИБ пробация бўлимига ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи **Н.Д.Ф**га агар озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жинойий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги;

озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи **Н.Д.Ф**га нисбатан қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва унинг ўзи томонидан Тошкент вилояти ИИББ ҳузуридаги тергов бошқармасининг депозит ҳисоб рақамига қўйилган 8.240.000 сўм пул маблағи гаровга қўювчи судланувчи **Д.Ф**га қайтарилсин.



Иш бўйича жабрланувчига келгусида келиб чиқиши мумкин бўлган моддий ва маънавий зарарларни судланувчи Н.Д.Фдан ундириш учун умумий асосларда фуқаролик ишлари бўйича судига даъво ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Тошкент вилоят судига апелляция тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин, ҳукм қонуний кучга киргач мазкур суд орқали Тошкент вилоят судига кассация тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест билдириши мумкин.

**Раислик қилувчи:**

*(имзо)*

**М.М.Базаров**

Ҳукм нусхаси аслига тўғри: \_\_\_\_\_

